

Инсон ва қонун

2022 йил 5 июль
сешанба
№ 25 (1333)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Хуқуқий маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

www.hudud24.uz



БОЛАЛАР НАФАҚАСИ, МОДДИЙ ЁРДАМ кимларга берилиши керак?

“МАДАД” нодавлат нотижорат ташкилотига фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатларнинг аксариятини пенсия ва ижтимоий ҳимоя масалалари ташкил этади. Хусусан, 2020 йилда жами келиб тушган 147 минг 328 та мурожаатнинг 23 минг 285 таси ёки 15,8 фоизи, 2021 йилда жами келиб тушган 151 минг 569 та мурожаатнинг 20 минг 136 таси ёки 13,3 фоизи худди шу масалаларга тааллуқлидир.

Давоми 2-бетда

Қайтар дунё бу...

— БОЛАЛАРИМНИ ўқув машғулотида олиб келаётганимда йўл четида жонсиз ётган, эзгиланган жўжачага кўзим тушиб, юрагим бир салчиб тушди. Болаларни кўзи тушмасин, деб уларни гап билан чалитган бўлдим. Улар музқаймоқ егиси келаётгани, машғулотлардаги ютуғи учун уларни рағбатлантириб, музқаймоқ билан сийламоқчи эдим. Қани энди томоғимдан бир қултум сув ўтса, шу куни. Бутун хаёлим шу тилсиз жониворни шу кўйга солган бешафқатларда бўлди. Ўша куни қандай уйга етиб олганимизу қандай яшаганимни сўз билан таърифлаб беролмайман...

БОЛАНГИЗГА

ТИРИК ЭРМАК керакми?

Давоми 5-бетда



КОНСТИТУЦИЯГА ТАКЛИФ

**ТИББИЙ ХИЗМАТ
КўРСАТИШ** ва
**ЭКОЛОГИК
МУВОЗАНАТНИ
САҚЛАШ**
кафолатланади



Амалдаги Конституциямизда ҳар ким малакаи тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Янгиланаётган Конституцияда эса фуқаролар тиббий ёрдамнинг қонунда белгиланган ҳамда тез ва шилинч тиббий ёрдамни ҳам ўз ичига оладиган кафолатланган ҳажми бепул олишга ҳақли эканлиги назарда тутилмоқда.

Конституциянинг 40-моддасига киритилаётган қўшимчаларга кўра давлат соғлиқни сақлашнинг давлат, хусусий ва бошқа тизимларини ривожлантириш, санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш, тиббий сугуртанинг турли шакллари ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш бўйича зарур чоралар кўради.

Шунингдек, давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва ҳимоя қилиш, экологик мувозанат-

ни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

Албатта, давлат янгиланаётган 40-моддага асосан Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини ҳимоя қилиш бўйича зарур чораларни кўриши ҳам назарда тутилган.

Бу ўз навбатида, экологик жиҳатдан оғир бўлган ҳудудларга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилишини, Конституция даражасида белгиланиши эса масъулиятни янада оширишни аналатади. Конституцияга киритиш таклифи қилинаётган 40-моддага кўра ҳар ким соғлом ва қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати ҳақида ҳаққоний ахборотга эга бўлиш ҳамда ўз соғлиғига ёки мол-мулкига экологик ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эгалиги белгиланмоқда.

Зарнигор ИМОМОВА,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими

АДЛИЯДА

Адлия вазирлигида фаолият юритаётган аёллар иштирокида эндокринолог ҳамда гинеколог мутахассислар иштирокида махсус тренинг ўтказилди.



Аёллар
САЛОМАТЛИГИ ЭЪТИБОРДА

Тадбир аввалида Адлия вазирлигининг хотин-қизлар масалалари бўйича бошлангич ташкилоти раиси Ғўзал Эргашева сўзга чиқиб, аёллар саломатлиги жамият фаровонлиги, оила хотиржамлиги учун нақадар муҳимлигини таъкидлаб ўтди.

Аёл соғлом бўлса, ишида унум, оиласида фаровонлик бўлади. У ҳар қандай соҳада, жамоада фаол бўлади. Бошлангич ташкилот раиси шу ҳақда сўз юритар экан, давлат органларида, жамоат ташкилотларида аёллар ҳуқуқларига алоҳида эътиборли бўлиш лозимлигини таъкидлади.

Мутахассис Шаҳноза Аҳмедованинг таъкидлашича, уйқусизлик, ҳолсизлик, диетага қарамасдан семириш, тирноқ синиши, соч тўкилиши, қўл, оёқ шишиши, юракнинг секин уриши, хотира сусайиши каби ҳолатлар қалқонсимон без билан боғлиқ касалликнинг белгиларидир. Бу белгилар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун ўз вақтида текширувдан ўтиб, даволаниш шарт.

Тажрибали мутахассислар томонидан хотин-қизлар тиббий текширувдан ўтказилиб, эндокринолог ҳамда гинеколог тавсиялари берилди.

“МАДАД” нодавлат нотижорат ташкилотига фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатларнинг аксариятини пенсия ва ижтимоий ҳимоя масалалари ташкил этади. Хусусан, 2020 йилда жами келиб тушган 147 минг 328 та мурожаатнинг 23 минг 285 таси ёки 15,8 фоизи, 2021 йилда жами келиб тушган 151 минг 569 та мурожаатнинг 20 минг 136 таси ёки 13,3 фоизи худди шу масалаларга тааллуқлидир.

БОЛАЛАР НАФАҚАСИ, МОДДИЙ ЁРДАМ

кимларга берилиши керак?

Ушбу тоифадаги мурожаатлар орасида кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш ҳамда тўлаш масалалари салмоғи жиҳатидан муҳим ўрин тутади.

Айниқса, фуқароларимиз томонидан бўлаётган турли хил саволлар бунинг ҳаётий исботидир. “Оиламизнинг даромади кам бўлса-да, нима сабабдан бизга болалар нафақаси тайинлаш рад қилинапти?”, “Нима учун ҳар йили болалар нафақасини олиш учун қайта мурожаат қилишим керак?”, “Турмуш ўртом Россияга ишлаш учун кетган эди, болалар нафақаси тайинлаш учун ўнинг паспортининг аслини сўрашапти, шу тўғрими?”, “Менга аризангиз кутмиш рўйхатиغا ўтказилди деган мазмунда СМС хабари келди, бу нима дегани?”, “Менга моддий ёрдам тайинлаш асосиз равишда рад қилинди, қаерга шикоят қилсам бўлади?” деган мазмундаги саволлар кўплай берилди.

Болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги қарори билан тасдиқланган “Кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширилади.

Президентимизнинг 2021 йил 11 августдаги “Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб болалар нафақаси ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўловларининг қуйидаги миқдорлари белгиланган. Жумладан:

- болалар нафақасининг ҳар ойлик миқдори **250 минг сўм** — 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган битта фарзанди учун, **325 минг сўм** — ёши 3 ёшгача бўлган битта кичик фарзанди учун;
- **150 минг сўм** — оиланинг иккинчи фарзанди учун қўшимча;
- **100 минг сўмдан** — оиланинг учинчи ва ундан кейинги ҳар бир фарзанди учун.

Кам таъминланган оилалар учун моддий ёрдамнинг ойлик миқдори — 380 минг сўм.

Муассасамиз томонидан фуқароларнинг мурожаатлари асосида қонунчилик ҳужжатлари таҳлил қилинганда, ушбу Низомнинг айрим нормалари юқори турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатга номувофиқ эканлиги аниқланди. Унда белгиланган айрим қоидаларни фуқароларимиз учун қулай тарзда соддалаштириш ҳамда такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Низомнинг 7-банди учинчи хатбошисига кўра, 2022 йилдан бошлаб — оиланинг ҳар бир аъзосига жами бир ойлик ўртача даромад минимал истеъмо ҳаражатлари миқдоридан ошмаганда бундай оила кам таъминланган деб эътироф этилади.

Давлат статистика қўмитаси томонидан 2022 йил учун минимал истеъмо ҳаражатлари миқдори 498 минг сўмни ташкил қилиши белгиланган.

Низомнинг 20, 23 ва 30-бандларига кўра, оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ойлик ўртача жами даромадни ҳисоблашда меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа шаклдаги даромадлар билан биргаликда олинган алиментлар, меҳнат органлари томонидан ишсиз фуқарога тўланган ишсизлик нафақаси, ёшга доир пенсия ва меҳнат қонунчилигида назарда тутилган айрим турдаги нафақалар, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун ҳисобланадиган уч ойлик норматив даромадлар ҳам ҳисобга олинади.

Шундай экан, бу даромадлар меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа шаклдаги даромадларга қўшиб ҳисобланганда, оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача жами даромад миқдори бир ойлик минимал истеъмо ҳаражатларидан (498 минг сўм) ортиб кетиши натижасида, болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги ариза рад қилиниши мумкин.

Бироқ, Солиқ кодексининг 369-моддаси биринчи қисмининг 3, 7 ва 9-бандларига кўра олинган алиментлар, давлат пенсиялари, қонун ҳужжатларида белгиланган нафақалар, бундан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси (оиланинг бетоб аъзосини парварши қилиш бўйича нафақа) мустасно, қонунчиликда белгиланган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлар жами даромад

таркибига киритилмайди. Яъни, даромад солигининг солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

Бундай ҳолда, Солиқ кодексига назарда тутилган “жами даромад” тушунчасига Низомнинг юқорида қайд этилган бандларига белгиланган қоидаларнинг номувофиқлиги кўринади.

Солиқ кодексининг 3-моддаси биринчи қисмининг 2 ва 5-бандларига кўра, солиқ муносабатлари субъектларининг ушбу Кодексда назарда тутилган ҳуқуқларини бекор қилувчи ёки чекловчи, Солиқ Кодексининг нормаларига ёки қоидаларининг мазмунига бошқача тарзда зид келувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг бир қисми, Кодекснинг қоидаларига мувофиқ эмас деб топилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбати белгиланган бўлиб, ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқориорқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши керак.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртача тафовутлар бўлган тақдирда юқориорқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.

Оилани кам таъминланган деб топишда қонун нормаларининг турлича қўлланилиши, хусусан, даромад солиғи ҳисобланмайдиган манбаларни оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик даромад ҳажмини аниқлашда инobatта олиниши аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қатлами тўғри аниқлашнинг имконини бермайди.

Шу сабабли, Низомда белгиланган қоидаларни Солиқ кодексининг 369-моддасига мувофиқлаштириш тақлиф қилинади.

Низомнинг қуйидаги бандларида назарда тутилган айрим қоидаларни фуқароларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, бирмунча соддалаштириш ҳамда такомиллаштириш мақсадаги мувофиқ.

Низомнинг 4-банди иккинчи ва учинчи хатбошисига ҳамда 12-бандининг учинчи хатбошисига кўра, болалар нафақаси 12 ой, моддий ёрдам эса 6 ой муддатга тайинланади. Ушбу муддат тугагач, фуқаро ижтимоий ёрдамни янги муддатга тайинлаш учун яшаш жойидаги маҳалла фуқаро-

лар йиғинига яна ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Бунда ариза олдинги даврда тайинланган ижтимоий ёрдамни тўлаш муддати тугаётган ойдан кейинги ойда берилди.

Бугунги кунда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига 21 та вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларнинг 40 турдан ортиқ маълумотларини қиритиб бориш йўлга қўйилган. Бу эса, болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинланганда, бундай ижтимоий тўловларни бекор қилиш учун асос бўлувчи ҳолатлар юзага келган-келмаганлигини исталган пайтда автоматик тарзда аниқлаш имконини беради.

Фуқароларга янада қулайликлар яратиш мақсадида, моддий ёрдамни бир йўла 12 ой муддатга, болалар нафақасини эса, оиланинг энг кичик ёхуд ягона боласи тегишинча ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар тайинлашни назарда тутиш тақлиф этилади.

Бундай қоида жорий этилганда, ижтимоий тўловларни бекор қилишга асос бўлувчи ҳолатлар юзага келган пайтдан бошлаб, тўловларни автоматик тарзда бекор қилиш тартиби сақлаб қолинади.

Низомнинг 15-банди учинчи хатбошисига кўра, ижтимоий тўловни олиш истагида бўлган фуқаро белгиланган шаклдаги аризани МФЙга тақдим этишида ўзи ва оила аъзоларининг паспорти ёки ID карталарининг аслини тақдим этиши талаб қилинади. Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан ушбу ҳужжатларнинг нусхаси олиниб, асли аризага қайтарилди.

Ўзбекистон ҳудудида вақтинча бўлмаган, хусусан, чет элда ишлаётган фуқароларнинг оила аъзолари уларнинг паспорти ёки ID картасининг аслини тақдим этиш имконига эга эмас. Қолаверса, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали фуқарога берилган паспорт ёки ID-карта тўғрисида маълумотларни исталган пайтда олиш имкони мавжуд.

Шу сабабли, Низомнинг ушбу бандида паспорт ёки ID-картанинг асли эмас, балки уларнинг нусхаси тақдим қилинишини белгиллаш мақсадаги мувофиқ.

Низомнинг 23-банди ўн тўртинчи хатбошисига кўра, оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ойлик ўртача жами даромадни ҳисоблашда меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромаднинг амалда ҳисобланган суммаси, яъни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар чегириб ташланганига қадар бўлган умумий суммаси ҳисобга олинади.

Солиқ кодексининг 381-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахсининг даромадларига 12 фоизлик, дивидендлар ва фоизлар тарзидаги даромадларига 5 фоизлик солиқ ставкаси бўйича солиқ солинади.

Демак, фуқарога иш ҳақи сифатида 1 миллион сўм ҳисобланса, даромад солиғи ушлаб қолингандан сўнг, у амалда қўлга 880 минг сўм иш ҳақи олади. Агарда оила аъзолари сони икки кишини ташкил этиб,

Низом талабига кўра, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар чегириб ташланмасдан, ойлик иш ҳақининг умумий миқдори инobatта олинса, уларнинг ўртача ойлик даромади 500 минг сўмни ташкил этади. Бундай оила эса, кам таъминланган оила сифатида эътироф этилмайди.

Бундан англашиладики, Низомда назарда тутилган тартибда оила аъзоларининг ойлик ўртача жами даромадини ҳисоблаш оиланинг ҳақиқий иқтисодий аҳолини кўрсатмайди.

Шунинг учун Низомда оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ойлик ўртача жами даромадни ҳисоблашда меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромаднинг амалда ҳисобланган суммаси эмас, балки ундан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар чегириб ташланганидан сўнг қолган қисми ҳисобга олиниши лозимлигини белгиллаш зарур.

Низомнинг 24-банди учинчи ва тўртинчи хатбошисига мазмунига кўра, агар оиланинг чет элда ишловчи аъзоси томонидан пул юборилганлиги аниқланмаган ҳолларда, меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки баравари миқдори (920.000 x 2 = 1 840 000) бир ойлик ўртача норматив даромад ҳисобланади ҳамда ушбу сумма уч ойга қўлайитрилган ва оила аъзолари сонига бўлинган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

Яъни, оиланинг чет элда ишловчи аъзоси томонидан умуман пул юборилмаган ҳолларда ҳам ушбу оиланинг бир ойда 1 миллион 840 минг сўм норматив даромад ҳисобланади.

Оиланинг бир ойлик ўртача даромад миқдорини аниқлашда фактик маълумотларга асосланганда, ушбу оиланинг ҳақиқий иқтисодий аҳоли ойдинлашади. Шунда фуқароларнинг қўшимча эътирозларига ўрин қолмайди.

Юқорида баён қилинган ҳолатларга асосланиб, “Мадад” ННТ томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар сонини тўғри аниқлаш ва уларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тайинлаш тартибини соддалаштириш мақсадида “Кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Хукумат қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур қарор лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлашга, мавжуд ҳуқуқий бўлиқларни бартараф қилишга, кам таъминланган оилалар сонини тўғри аниқлашга ва уларнинг иқтисодий аҳолининг объектив баҳолашга, ушбу масалада фуқароларга қўшимча қулайликлар яратишга ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

Раҳимкул ТОШБОЕВ,
“Мадад” нодавлат нотижорат ташкилоти бош маслаҳатчиси



■ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2019 йилнинг 17 январида қабул қилинган “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан юртимизда илк бор нодавлат ташкилотлар томонидан суд-экспертлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва Ҳукуматимизнинг 2020 йил 24 мартдаги қарори билан нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолияти тартибга солинди. Ҳозирги кунда 3 та нодавлат суд-экспертиза ташкилотларида 19 нафар нодавлат суд-экспертлари фаолият олиб бормоқда.

Акрам ХАЛИЛОВ,
Х.Сулаймонова номидаги
Республика суд-экспертизаси
маркази директори



Энди бизда аноним ДНК тадқиқотини ўтказиш мумкин...

Хулосаларимиз халқаро миқёсда тан олинган

Марказ лабораторияларини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида, 2020 йилда ISO/IEC 17025 халқаро стандартига мувофиқ аккредитация қилиниб, мувофиқлик сертификати эга бўлди. Мазкур аккредитация марказга тадқиқотларни халқаро стандартлар даражасида бажариш имконини беради ҳамда мазкур лабораториялар томонидан берилган хулосаларнинг халқаро миқёсда шубҳасиз тан олинши, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини нафақат мамлакатимиз ҳудудда, балки халқаро судларида ҳам ишончли ҳимоя қилинишига ҳамда одил судлов таъминлишига хизмат қилади.

Бугунги кунда марказимиз нафақат суд-экспертиза тадқиқотларини амалга ошириш, балки янги экспертиза турлари ва услубётларни жорий этиш бўйича ҳам кенг кўламли илмий-тадқиқот ишларини амалга оширмоқда.



Уч йилда саккизта янги экспертиза тури яратилди

Хусусан, олиб борилган илмий излашлар натижасида кейинги 3 йилда 8 та — “Суд лингвистика”, “Суд компьютер-техник”, “Суд автомобил йўллари”, “Суд электротехника”, “Суд-психологик”, “Озиқ-овқат маҳсулотлари суд-экспертизаси”, “Суд-солиқ”, “Озиқ-овқат маҳсулотларини баҳолаш экспертизаси” каби янги экспертиза турлари яратилиб, суд-экспертлик жараёнига татбиқ этилди ва натижада марказда амалга оширилган суд-экспертлик турлари 52 тага, мутахассисликлар эса 71 тага етказилди.

Марказга суд ва тергов идоралари томонидан суд-экспертизаларини тайинлашга ҳамда фуқароларимиз томонидан мутахассис фикрини олишга эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бунинг қўйидаги рақамлар ҳам исботлаб

турибди: 2020 йилда 923 минг 760 та объект бўйича тадқиқотлар ўтказилиб, 132 минг 819 та саволлар ҳал этилган ва 28 минг 678 та экспертиза хулосалари берилган бўлса, 2021 йилга келиб 1 миллион 659,5 мингта объект бўйича тадқиқотлар ўтказилиб, 721 минг 999 та саволлар ҳал этилган 33 минг 391 та экспертиза хулосалари ва мутахассис фикрлари берилган.

Соҳадаги ислохотлар изчиллик билан давом эттирилиб, 2021 йил 5 июлда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон билан Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича 2021 — 2023 йилларда бажариладиган ишлар юзасидан “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Банк соҳасида бой берилган фойдани аниқлаш экспертизаси жорий этилади

Юқоридаги Фармон билан 2021-2025 йиллар давомида 16 та янги экспертиза ва тадқиқот турларини жорий этиш белгиланди. Бугунги кунда, улардан “Суд-солиқ” ва “Озиқ-овқат маҳсулотларини баҳолаш” экспертизаларининг услубий асослари яратилиб, суд-экспертлик амалиётига жорий этилди. 2022-2023 йилларда марказ томонидан “Совуқ қуролларнинг криминалистик экспертизаси”, “Радиотехника”, “Банк соҳасида бой берилган фойдани аниқлаш” ҳамда “Газ ва электр техника объектларининг портлаш техник экспертизаси” каби янги турларнинг жорий этилиши режалаштирилган.

Шунингдек, мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йилнинг 22 ноябрида Вазирлар Маҳкамасининг 704 ва 706-сонли қарорлари билан республика тарихида илк мартаба Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертизаси марказининг Суд-экспертлик илмий-тадқиқот институти фаолияти ташкил этилди.

Институт суд-экспертлик фаолияти соҳасига замонавий илмий ёндашувларни қўллаш орқали унинг самардорлигини ошириш, ушбу соҳадаги илмий-тадқиқот ишларини янги босқичга кўтариш, давлат суд-экс-

пертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига илмий-услубий жиҳатдан кўмаклашиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларнинг малакали суд-экспертиза хулосаларига бўлган эҳтиёжларини доимий равишда ўрганиш орқали суд-экспертизасининг янги турлари ҳамда услубётларини ишлаб чиқиш каби вазифаларни бажаради.

Институт ташкил этилиши билан Марказ ҳузурда юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини берувчи Илмий кенгаш тузилди. Ушбу Илмий кенгашда 12.00.09 — “Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд-экспертизаси” иختисослиги бўйича диссертациялар ҳимоясини ўтказишга рухсат берилди.

Самарқандда ҳам одам ДНКсини текшириш мумкин

Ушбу ислохотларнинг давоми сифатида юқоридаги Фармон ижроси юзасидан қабул қилинган 2022 йил 10 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг 11-сонли қарори билан суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг малакали суд-экспертизаси хулосаларига бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга янада қўлайликлар яратиш мақсадида, Фаргона, Сурхондарё, Хоразм вилоят ҳудудий бўлимларида Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси ҳамда Самарқанд вилоят ҳудудий бўлимида Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси ва материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси лабораториялари бошқичма-бошқич ташкил қилиниши белгиланди.



Аноним ДНК тадқиқоти ўтказиш йўлга қўйилди

Шунингдек, “Одам ДНКси” суд-биологик экспертизаси бўйича аноним мурожаат қилган шахсларнинг шахсига доир маълумотларни махсус белгилар асосида қайд этиш орқали тадқиқотларни ўтказишга доир тартиби тасдиқланди.

Бугунги кунда, марказда одам ДНКси суд-биологик экспертизаси бўйича 34 нафар аноним мурожаат қилган шахсларнинг шахсига доир маълумотларни ошкор бўлмаслигини таъминлаган ҳолда, яъни махсус белгилар асосида қайд этиш орқали тадқиқотлар ўтказилиб, мутахассислик фикри тақдим этилди.

Халқаро ҳамкорлик фаолиятимизга ишонч беради

Сўнгги йилларда Марказ томонидан суд-экспертлик фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Россия Федерал суд-экспертиза маркази, Украина Адлия вазирлигининг суд-экспертиза миллий илмий маркази, Беларусь Республикаси давлат суд-экспертиза қўмитасининг Илмий-амалий маркази билан ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланди.

Шунингдек, жорий йилда Адлия вазирлиги ҳамда Туркия ва Қозғистон Республикалари адлия вазирликлари ўртасида суд-экспертлик соҳасидаги ҳамкорликни ўрнатишга қаратилган меморандумлар имзоланди.

“Олмос” да тадбир

■ АДЛИЯ вазирлиги ва Конрад Аденауэр номидаги жамғарманнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида “Сўз эркинлиги ва шахсий ҳаёт дахлсизлиги: ҳуқуқий ва ахлоқий чегаралар” мавзусида тренинг ташкил этилди. Шу йилнинг 30 июнь — 1 июль кунлари “Олмос” конвенцион марказида бўлиб ўтган мазкур тадбирда чет эллик экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар ҳамда вазирлик тизимидаги ҳуқуқий тарғиботни амалга оширувчи маъмул ходимлар иштирок этди.

Сўз эркинлиги ҳеч кимнинг шахсий ҳаётига дахл қилмаслиги керак



Тренинг таниқли журналист Беруний Алимов томонидан бошқариб борилган ўзаро танишув, иштирокчиларнинг мақсадлари ва кутилаётган натижалар йўналишидаги интерфаол ўйин ҳамда сўз эркинлиги ва шахсий ҳаёт дахлсизлигига оид ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш ва тақдирот билан бошланди.

Шундан сўнг Германиялик халқаро тренер Рене Фалькнернинг “Сўз эркинлиги ва шахсий ҳаёт дахлсизлиги: халқаро тажриба” мавзусидаги маърузаси тингланди. Айни маъруза иштирокчиларда жуда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, тренернинг таъкидлашича, Германияда матбуотга оид қонуннинг ўзи йўқ. Фақатгина “Матбуот кодекси” бор ҳолос. Қолаверса, ҳар бир оммавий ахборот воситаси (нашрлар, радио, телевидение ва сайтлар)нинг ўзида ходимларни назорат қилиб боровчи гуруҳ шакллантирилган.

Шу кун журналистлар иштирокчида “Заковат” интеллектуал ўйини ҳам ташкил қилинди. Унда “Олмос” гуруҳи ғолибликни қўлга киритди.

Тадбирнинг иккинчи кунини “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази маъсул ходими Қавомиддин Хужжатов ўз маърузаси орқали lex.uz, advice.uz, yuridixizmat дастурлари билан ишлаш юзасидан батафсил маълумот берди. Машҳур шахслар ҳаёти билан боғлиқ кейслар асосида ташкил этилган “ОАВ инсонларнинг ҳаётини ўзгартира оладими?” мавзусидаги ток-шоу тренинг дастурини мазмунан бойитди.

Тадбир якунида иштирокчиларга Адлия вазирлиги ва Конрад Аденауэр номидаги жамғарманнинг сертификатлари топширилди.

Хуришд СУЛТОНОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири

БУХОРО

ФУҚАРО Н.Наимованинг ўзи яшаб келаётган уй-жойини Когон шаҳар ҳокимлиги томонидан хусусийлаштирилишида амалий ёрдам беришни сўраб қилган мурожаати Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганилди.



**ТЎЛОВ
ТЎЛАНГАН,**

уйни хусусийлаштириш эса...

Ўрганиш жараёнида Когон шаҳар ҳокимлигининг 2022 йил 17 январдаги хати билан фуқаро Н.Наимовга Когон шаҳар "Ватанпарвар" кўчасида жойлашган 25-уйнинг 18-хонадонини хусусийлаштириб бериш қонун ҳужжатларига асосланмаган ҳолда рад қилинганлиги аниқланди.

Когон шаҳар ҳокимининг 2019 йил 27 августдаги қарори билан фуқаро Н.Наимовга Когон шаҳар ҳокимлиги коммунал уй-жой фонди ҳисобидagi "Ватанпарвар" кўчасида жойлашган 25-уйнинг 18-хонадони ижара шартномаси асосида фойдала-

ниш учун берилганлиги ва "Когон шаҳар уй-жойлар ва нотураб жойлардан фойдаланиш ҳамда ҳисобга олиш" ДУК ва фуқаро Н.Наимовалар ўртасида Когон шаҳар "Ватанпарвар" кўчасида жойлашган юқорида қайд этилган хонадонни олиш ва тўлаш бўйича 2021 йил 28 январда шартнома имзоланиб, Н.Наимова томонидан уй-жой учун тегишли тўловлар амалга оширилган бўлишига қарамастан, шаҳар ҳокимлиги ўзига юклатилган мажбуриятларни асосиз равишда бажармасдан келган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан фуқаронинг манфаа-

тини кўлаб, Бухоро туманлараро маъмурий судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан Когон шаҳар ҳокимлигининг Н.Наимова яшаб келаётган уй-жойни хусусийлаштириб бермасликдаги хатти-ҳаракати қонунга хилоф деб топилиб, ҳокимлик зиммасига шаҳардаги "Ватанпарвар" кўчаси, 25-уй, 18-хонадонни Н.Наимовга хусусийлаштириб бериш мажбуриятини юклатиш тўғрисидаги ариза қаноатлангандир.

Туйғун АЗИМОВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

ТОШКЕНТ

ТАДБИРКОРЛИК лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди.

ФРАНШИЗИНГ

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯНГИ ҚУЛАЙЛИК

Сўнги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг фаолияти давомида юзага келаётган муаммо ва тўсиқларни бартараф қилиш бўйича қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқирилиб, амалиётга татбиқ қилинмоқда.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 июндаги "Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан тадбиркорлик субъектларига янада кенг қулайликлар яратилди.

Мазкур қарорга асосан жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида давлат рўйхатидан ўтказишнинг соддалаштирилган электрон тартиби жорий этилди.

Мазкур шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори билан тадбиркорлик субъектларига янада кенг қулайликлар яратилди.

Фурқат ЙЎЛДОШЕВ,

Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

28 НАФАР МАНСАБДОР ШАХСНИНГ ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ

МЕХНАТ кодексининг 233-моддасига кўра, аёлларга туққунга қадар етмиш календарь кун ва туққанидан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин келган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда — етмиш календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақа тўланади.

Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 40-бандига кўра, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тайинлаш ва тўлаш учун белгиланган тартибда берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асос бўлади. Мазкур Низомнинг 42-бандига асосан ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа (ҳомила тушган ҳолларда) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча давр учун тўланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49^а-моддасига кўра, мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофазга қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

Шунга кўра, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан давлат ташкилотлари ва муассасаларида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли ташкилотларга 28 та тақдимнома киритилиб, ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўлган 83 нафар ходимга 656 миллион 377 минг 909 сўм ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари ундириб берилди. Шунингдек, айбдор 28 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш ҳақида Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармасига 28 та маъмурий таклиф киритилди.

Мавлуда БОБОРАИМОВА,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими

ТОШКЕНТ

ФУҚАРО М.Анохинанинг Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси М.Улғубек туман бўлими мансабдор шахсларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб қилган мурожаати туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

**Пенсия жамғармасининг
ҚАРОРИ
БЕКОР ҚИЛИНДИ**



Ўрганиш жараёнида аниқланишича, аризаچига нисбатан ёшга доир пенсия тайинлашида 1979 йил 1 февралдан — 28 февралгача, 1979 йил 1 майдан 1980 йил 31 январгача, 1980 йил 1 апрелдан — 31 майгача "Ташгипрогор" институтини ишлаган давридаги иш стажини пенсия жамғармаси томонидан инобатга олинмаган.

Пенсия жамғармаси М.Улғубек туман бўлими Пенсия ва нафақалар тайинлаш комиссиясининг қарорига фуқаро М.Анохинанинг "Ташгипрогор" институтини ишлаган давридаги ойлик иш ҳақларида пенсия жамғармаси учун сугурта бадаллари кўрсатилмаганлиги сабабли иш стажига қўшиб ҳисобламаганлиги маълум қилинган.

"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 37-моддасига мувофиқ, фаолият тури, мулк ва ҳўжалик юритиш шаклларидан қатъий назар, ходим давлат томонидан ижтимоий сугурталанган ҳолда бажарган ҳақ қандай иш меҳнат стажига қўшилиши белгиланган.

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 42-моддаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 59-бандига асосан, меҳнат дафтарчаси иш стажини тасдиқлайдиган асосий ҳужжат ҳисобланади.

Шунга асосан, туман адлия бўлими томонидан М.Анохинанинг манфаатидан Тошкент туманлараро маъмурий судига даъво аризаси киритилди ва суднинг ҳал қилув қарори билан Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси М.Улғубек туман бўлимининг 2011 йил 11 февралдаги қарори ҳақиқий эмас, деб топилди.

Шунингдек, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси мансабдор шахслари зиммасига М.Анохинанинг "Ташгипрогор" институтини ишлаган даврини умумий иш стажига қўшиб ҳисоблаш мажбурияти юклатилди.

Шокир ЮСУПОВ,
Мирзо Улғубек туман адлия бўлими бош маслаҳатчи

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН



**ҚОИДАНИ
БУЗИБ,
ҳаётингизни
хавфга
қўйманг!**

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Республикасида жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида 160 та йўл ҳаракати ҳодисаси юз берган. Ушбу ҳодисалар оқибатида 147 нафар шахс турли даражадаги тан жароҳати олган бўлса, 44 нафар шахс ҳаётдан кўз юмган.

Шунингдек, худди шу давр мобайнида ИПХ инспекторлари томонидан ўтказилган рейдлар давомида 758 та ҳолатда автотранспорт бошқарувчиларининг спиртли ичимлик ичиб транспорт бошқариб келаётганлиги аниқланиб, баённомалар расмийлаштирилган.

Пивдалар томонидан 5 ой давомида 15 минг 98 ҳолатда йўлнинг белгиланмаган жойларидан кесиб ўтиш ва пивдалар йўлакчасидан ўтишда қўл телефонларидан фойдаланиб ҳамда қулоқчинларда ҳаракатланганлиги учун маъмурий баённомалар тузилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларида транспорт соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган.

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши — транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдорида жарима солишига сабаб бўлади.


Тезликни ошириш базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридаги жаримадан бошлаб (км/с қараб) транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан икки йил муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдорида жарима солишига сабаб бўлади.

Жиноят кодексининг 266-моддасига асосан, транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказишига сабаб бўлса базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч ой олтимши соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ туза-тиш ишлари билан жазоланади. Агарда ушбу қилмиш одам ўлишига сабаб бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Бундай қилмиш одамлар ўлимига, ҳалокатга, бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Насиба ҚУТЛИМУРОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги бош маслаҳатчиси



Гулбаҳор ОРТИҚҲУҶАЕВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири



Қайтар дунё бу...

— БОЛАЛАРИМНИ ўқув машғулотида олиб келаётганимда йўл четида жонсиз ётган, эзгиланган жўжачага кўзим тушиб, юрагим бир салчиб тушди. Болаларни кўзи тушмасин, деб уларни гап билан чалғитган бўлдим. Улар музқаймоқ егиси келаётганди, машғулотлардаги ютуғи учун уларни рағбатлантириб, музқаймоқ билан сийламоқчи эдим. Қани энди томоғимдан бир қултум сув ўтса, шу қуни. Бутун хаёлим шу тилсиз жониворни шу кўйга солган бешафқатларда бўлди. Ўша қуни қандай уйга етиб олганимизу қандай яшаганимни сўз билан таърифлаб беролмайман...

БОЛАНГИЗГА ТИРИК ЭРМАК КЕРАКМИ?



Дугонам шу гап-ларни гапирар экан, беихтиёр болалик йилларим эсимга тушди. Кишлоқ болалари анча шўх бўлишади. Илоннинг терисини шилиб, симёғочнинг симиغا илган болаларни ҳам кўрганмиз. Қушларни қўлбола камонларда отиб, роҳатланиб, “ов лаззати”ни кўшни болаларга кўз-кўз қилиб, ўзини мерган санаганларни, қишлоқдаги итларни “гўшт”га сотиб, жарақ-жарақ пулини санаб, қарғиш олганларни ҳам кўрдик. Мушукнинг терисига сомон тиқиб, копток ясаган биттасини биламан, йиллар ўтиб, икки фарзанди ҳам ногирон бўлиб қолди. Бормаган жойи, учрамаган шифокори қолмади. Туғилганида соппа-соғ туғилган болалари энди атак-чекач бўла бошлаганда ўсишдан қолди, юришдан қолди, қўл-оёғи нотўғри ривожланиб, бир қоқилиб, йиқилгани баҳона бўлиб, болаликдан ногиронлар сафига қўшилди-қолди. Уларни боғчага жойлаштириш ҳам осон кечмади. Мактаб ёшига етганида эса, уй камоғида қолди болалар. Эр-хотин уларга қоровул бўлишга мажбур. Охир-оқибат оила носоғлом ҳаётдан бузилиш даражасига етди. Келин сабрли экан, докторларнинг болаларингизни махсус интернатга топширинг, шунда соғлом фарзанд кўришингиз эҳтимоли бор. Биринчи болангизга сиқилганингизга иккинчиси ҳам шундай туғилган, доимий асабийликдан ҳаммаси дейишлари уни тинчлан-

тирган бўлди. Лекин оилада барибир тинчлик йўқ эди. Янги ҳовли қилиб чиқишди, янги рўзгорнинг ками кўп. Икки ногирон болага ё отаси ё онаси қараб, ош-овқатидан, бошқа эҳтиёлларидан хабардор бўлиб турмаса, бундай болани уйга ёлғиз ташлаб кетиб ишга бориб бўлмаса, болалар учун нафақа пули ҳам дори-дармонига етмаса...

Отанинг дарди ичида, лекин энди кеч эди. Бу оила шу икки ногирон фарзанд билан умрини ўтказди, бошқа фарзанд кўришмади. Келин сабрли экан, ҳаммасига чидади. Ота дегани навбатчилик билан ишлашга ўтди, эр-хотин-қўш хўқиз...



Болалар тарбиясида ваҳшийлик йўлидан борманг, азиз ота-оналар! Қун келиб бу ишингиздан қаттиқ афсусланасиз.

Айниқса, рўзгордан, дори-дармондан ортиниб, боласига бир ногиронлик аравачасини-да олиб беролмай, навбати келгунича анча йиллар ўтди. Мушукни терисига

сомон тиқиб, копток қилган, тилсиз жониворларни азоблашдан роҳатланган, завқланган бешафқат қалб ҳам бир кун йиғлади. Зилдай оғир юкни — боласини кўтариб, ҳар ҳолатга олиб борганида, айниқса, ўғли ҳам, қизи ҳам бир умр тўшақка миҳланиб қолганида у пушаймон қилди. Лекин ғишт қолиддан кўчиб улгурган эди.

ТабиаТ — осойишталик тарафдори

Болалигимиз ўтган боғ-ҳовлида укки қушлар жуда кўп бўларди. Суннат тўйи бўлган болаларнинг дўпписига укки патини қистириб тикиш “мода” бўлган йиллар... Уккиларнинг “харидори” жуда кўп эди. Қўлбола камон ўқидан безиллаб қолган уккилар шундоққина айвонимиз ёнидаги даракларга кўниб жон сақлашарди. Шундай пайтда бувим раҳматли кўшни болаларга насиҳат қиларди.

— Бу жонсиз қушларга кўп озор берманглар, қайтар дунё, эртага болангизгами, ўзингизгами қайтиши бор. Тилсиз жониворнинг уволидан кўрқиш керак. Унинг дуоиси ҳам, ноласи ҳам Худого тез етади... Катта отам раҳматли кўшни ховлилардаги ҳалиги камончи болаларнинг ўзига эмас, онасига

эмас, отасига, айнан отасига дакки берарди. Лекин униси бўлмаса бошқаси шу ишни қиларди барибир. Шу-шу болаликдаги боғ ҳовлимизда уккилар бутунлай қирилиб битди ёки бошқа осойишта манзилу маконларга учиб кетишди.

ТабиаТ ҳам осойишталик тарафдори, одатда, қушлар осойишта гўшаларни макон туттишади. Тирик жон бор-ки, унга тинчлик, хотиржамлик керак! Лекин биз — одам болалари ўз завқимиз учун нималар қилмаймиз. Бедананинг сайроғи деймиз, бошқа митти қушчаларнинг чирқиллаши деймиз, қафасга тикамиз уларни. Тўтиқушларни гапиртириб, завқ олганларни сира тушунолмайман. Қуш тилини сира тушунмаймиз, товусларни ҳам қафасга соламиз, какликни ҳам, булбулни ҳам, зогни ҳам... Шундай завқ оламизки... чек-чекчегараси йўқ! Нималар қиялемиз ўзи? Сизу бизга эрк, эркинлик, тинчлигу осойишталик, хотиржамлик қанчалар керак бўлса, қанот билан яралган бу тилсиз қушларга ҳам озодлик шу қадар зарур бахтир! Буни қачон англаймиз экан-а?!

Қотилликнинг катта қотилчиги йўқ!

Шаҳарликларда бир одат пайдо бўлди. Боласига тирик жонивор совға қилиш “мода”га айланмоқда. Бунинг нимаси ёмон, дерсиз?! Яшавётган ҳовлисида шароит бўлса-ку, майли, ўзи кўп қаватли уйда яшаса, диққанафас уйга тирик жониворни олиб келишдан нима наф? Ахир, у озод яралган-ку! Нима учун биз тирик жониворларни шу табиий эркидан маҳрум қилиб, бунчалар хурсандимиз.

Хурсандлигимиз ҳам майли, узоққа чўзилса, кошки эди. Болангиз вояга етмасидан шу жажжи қўлчалари билан қотиллик қилса ҳам завқланасизми?!

Иллатнинг илдизини излаб, паррандалару қушлар билан давдо қилувчи сотувчилар билан ҳам суҳбатлашдим. Дам олиш кунларида қуш бозорлари анча гавжум бўлади. Ҳар қушнинг ўз харидори бор. Чўрқиллаб бутун бозорни бошига кўтараётган олтинранг жўжачалар сотилаётган томонга астагина қадам ташлайман. Жўжаларнинг харидорчилиги эйтиборимни тортади. Харидорларни кузатаман. Қўпам савдолашимайди битта-иккита олаётганлари. Ҳайрон бўлаёписми, битта ёки иккита жўжачани нима қиларкан бу одамлар, деб. Нима қилишарди, боласига

эрмак қилдиргани олиб беришаяпти. Болангизга тирик эрмак керакми, эй одамлар-а?!

Фарзандингизни ўзингиз қотилликка ундамаяписми шу ишингиз билан? Кўп қаватли уйингизнинг айвончасида бу жўжачаларни боқиб бўлмаслигини ўзингиз яхши биласиз-ку, ахир.

— Болалар бир ўйнаб, зеркиқшсин, кўшнингинг мушугига берворармиз, олувир, арзон экан...

Кўзларим тиниб кетди... бу сўзлар шу қадар хотиржам айтилдики...

Тилсиз жониворда нима айб?

— Болалар ўйинчоқларидан шу тирик жўжачалар анча арзон, — дейди бозорда паррандалар билан савдо қилаётган Анвар исмли йигитча. — Кўпчилик болаларига битта-иккита жўжача сотиб олиб беришади. Қизикқанидан, боласи йиғлаб, хархаша қилганидан ота-онаси ҳам нима қилсин! Мен ҳар доим шундай харидорларга савдо қиламан. Бу ишимни гуноҳ деб билмайман. Жўжаларни сотаётганимда ҳовлида турасизми, домдами, деб сўраб ўтирмайман. Ўзи бозорда бекорчи гапга вақт йўқ, опахон.

Шунақа, бизга тезроқ савдо бўлса, жарақ-жарақ пул келиб турса бўлди, оқибатини ўйламаймиз! Болангизга тирик жонивор сотиб олиб бераётганда уни қандай боқадим, деб ҳеч ўйлайсизми? Ҳамма ҳам ўйласа қани эди... Бугун пойтахтимиз кўчаларидан суратдагидек ачинарли манзаралар бўлмасди.

Болалар ўйинчоғи бўлган жўжачадан анча арзон тирик жўжаларда, тилсиз жониворда нима айб? Уларни бундай хўрлаш инсофданми?! Ҳар нарсанинг уволи бор, ахир!

Бозорда ўйинчоқдан кўра арзон экан бу тирик жўжачалар. Ҳўп, нима бўпти, арзон бўлса, уни эрмак учун сотиб олиб, ўлдиришимиз шартми? Бунча ваҳший бўлиб кетаяпмиз?!

Бир қуни йўлда мушукнинг бўйнига арқон боғлаб, қийнаб, судраб олиб юрган болаларни кўриб, шу болаларнинг ҳам ота-онаси бормикан, дедим. Ота-онаси тили-жағи йўқ нарсани хўрлаш оғир гуноҳ эканлигини болаларига, нахотки, тушунтиришмаси?!

Болалар тарбиясида ваҳшийлик йўлидан борманг, азиз ота-оналар! Қун келиб бу ишингиздан қаттиқ афсусланасиз.

Болангизга тирик жониворни эрмак учун олиб бергунча, қўлига китоб беринг. Ҳаёт сабоғини ҳам китобдан, ҳам ёши улуглардан олсин, интернет ўйинлари-ю, аллақандай “зомби”лардан эмас!

СУД ЗАЛИДАН

ИҚТИСОДИЁТДА инвестицияларнинг ўз ўрни бор. Шунга қарамай, инвестициявий низоларни ҳал қилишда мамлакатимизда қўлай сармоявий муҳитнинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатадиган ҳар хил ёндашувлар мавжуд.

Даъвогарнинг хати ижросиз ва жавобсиз қолган...

Муқаддам амалда бўлган қонунчилик талабига кўра, инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар билан боғлиқ низолар туманлараро, туман ва шаҳар даражасидаги фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судлар томонидан ҳал қилинади.

Президентимизнинг 2020 йил 24 июлда қабул қилинган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини ошириш доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини амалда таъминлаш билан боғлиқ долзарб муаммоларга алоҳида эътибор қaratилган. Судларда инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ўз вақтида ҳамда самарали ҳимоя қилиш масаласи ана шулар жумласидандир.

2021 йил 12 январда “Суд қарорларини қабул қилиш институтини такомиллаштиришни муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур метёрий ҳужжат билан Иқтисодий процессуал кодексга иқтисодиёт соҳасида инвесторлар ҳамда давлат органлари ўртасидаги инвестициявий шартномалардан келиб чиққан низолар бўйича ва рақобатта оид ишларнинг тааллуқлики бўлиши ва тегишлилиги оид нормалар киритилди. Жумладан, йирик инвестор ва рақобатта оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар Олий суднинг инвестициявий низоларни ҳамда рақобатта оид ишларни кўриш бўйича судлов таркиби томонидан кўрилиши, қолган инвестициявий низолар эса инвесторларнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикасини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши белгиланди.

Биргина Хоразм вилоятидаги иқтисодий судлар томонидан 2021 йилда 28 та, 2022 йилнинг ўтган 5 ойида 10 та инвестиция фаолияти билан боғлиқ низо ҳал этилди.

Хусусан, судга келган ариза асосида ўрган ишлар давомида маълум бўлишича, Давлат активларини бошқариш агентлиги Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси, “R.S” масъулияти чекланган жамияти (ташқиқлот номлари ўзгартирилди) ва Ўрганч туман ободонлаштириш бошқармаси ўртасида 2020 йил 24 августда “Ўрганч тумани “Коравул” кишлоғи, “Бўстон” маҳалласида жойлашган Ёнгин хавфсизлиги бўлими 12-қасбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисмининг эски биноси”ни инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар белгиланган ҳолда, ўрнатилган тартибда харид қийматида сотиш бўйича олди-сотди шартномаси тузилган.

Жавобгар томонидан тўлов қилмасдан амалга оширилган ва унинг даъвогар олдига 306 миллион 553 минг 592 сўм кредиторлик қарздорлиги мавжуд. Ушбу қарздорликни тўлаб беришни сўраб, даъвогарнинг жавобгарга юборган огоҳлантириш хати ижросиз ва жавобсиз қолдирилган.

Суд даъвогарнинг асосий қарз суммасини ундириш талабини асосли, деб ҳисоблаб, уни тўлиқ қаноатлантириши ва ушбу қисм юзасидан суд ҳаражатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим, деб топади. Иқтисодий процессуал кодекснинг 68, 118, 176-179, 180-моддаларини қўллаб, суд қарорига асосан “R.S” масъулияти чекланган жамиятидан Давлат активларини бошқариш агентлиги Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси фойдасига белгиланган қарздорлик суммаси ундириб берилди.

Мазкур кодексга киритилган янги 304-модда билан эса, инвестициявий низолар бўйича возилар янада ойдинлашди. Кодекс 30³-модда билан ҳам тўлдирилди. Мазкур янги модда юридик шахслар, шу жумладан, чет эл юридик шахслари, ҳўжалик бошқаруви органлари, яқна тартибдаги тадбиркорлар ҳамда монополияга қарши органлар ўртасида товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган низолар рақобатта оид ишлар жумласига кириши ҳақида нормалардан иборат.

Музаффар БОБОНАЗАРОВ,
Хоразм вилоят судининг судьяси

Жумладан, Иқтисодий процессуал кодекснинг 20-моддасида судья ишни кўришда иштирок этмаслиги ва ўзини ўзи рад қилиш асослари келтирилган. Ушбу асослар қаторига иш илгари кўрилганда унда арбитр сифатида иштирок этган бўлса рад этиш лозим бўлади. Шунингдек, мазкур кодекснинг 25-моддасида ишларнинг иқтисодий ишлар бўйича судларга тааллуқли ишлар жумласи келтирилган. Ушбу ишлар қаторига “арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишлар” киритилди ва шу билан иқтисодий ишлар доираси кенгайди.

Шунингдек, мазкур кодексга янги “28¹-модда — Арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишлар” номли модда киритилди. Ушбу ишлар жумласига арбитражни тайинлаш тўғрисидаги, арбитражни рад этишни қаноатлантириш ҳақидаги, арбитраж рақобатларининг амал қилишини тугатиш хусусида, арбитраж судининг юрисдикцияси масаласи юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳақидаги, таъминлаш чораларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги, таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги, далилларни олишти қўмаклаштириш тўғрисидаги, арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақидаги, арбитраж ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар киритилган.

Бундан ташқари, 37-модда судловга тегишлилик алоҳида бешинчи ва олтинчи қисмлар билан тўлдирилди. Яъни, арбитраж муҳокамасига оид ишлар бўйича аризалар арбитраж жойлашган ердаги судга ёки қарздор рўйхатдан ўтган жойдаги ёхуд мол-мулки турган жойдаги иқтисодий судга берилиши белгиланди.

Гувоҳ сифатида қақрилиши ва сўроқ қилиниши мумкин бўлмаган шахслар доираси кенгайди. Унга қўра арбитраж, арбитраж таркиби томонидан тайинланган экспертлар, арбитраж муассасасининг ходимлари, ҳакамлик судьялари — арбитраж ёки ҳакамлик муҳокамаси давомида ўзларига маълум бўлиб қолган ҳолатлар тўғрисида гувоҳ сифатида қақрилиши ва сўроқ қилиниши

Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун қабул қилинди.

Арбитраж муҳокамаси:

Иқтисодий процессуал кодексда нималар ўзгарди?



мумкин эмаслиги белгиланди.

Кодекснинг 93-моддасида даъвони таъминлаш асослари келтириб ўтилган. Сўнгги киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга биноан ушбу асослар сони кенгайтганини кўриш мумкин. Эндиликда арбитраж судида қўрилаётган даъвони таъминлаш чоралари арбитраж муҳокамаси тарафининг аризасига кўра иқтисодий суд томонидан қўрилиши мумкин. Бундан ташқари, энг асосийси иқтисодий процессуал кодексга янги боб киритилди. Яъни “29¹-боб — Арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишларни юритиш” номи билан киритилди. Ушбу боб асосида янги моддалар Кодексда ўз аксини топти. Жумладан: 232¹-моддада ушбу “ишларни кўриб чиқишнинг умумий қоидалари” белгиланди. Арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишлар юзасидан ариза берилганда 232²-модда асосида “ариза шакли ва мазмуни”га ривож қилиш лозим бўлади. Ариза шакли ва мазмунига қўйилган талабларга риоя қилинмаган ҳолда берилган ариза тегишли тартибда аризага қайтарилиши назарда тутилган. Шунингдек, 232³-моддага биноан “Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар” тақдим этилиши

лозим бўлади. 232⁴-моддада эса “Арбитраж муҳокамасига қўмаклаштириш билан боғлиқ ишлар бўйича суд муҳокамаси” акс этди. Бундан иш суды томонидан яқна тартибда кўриб чиқиши, натижаси юзасидан ажрим чиқарилиши ва унинг устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) белгиланди.

2-§ “Арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни юритиш” жумлалари билан тўлдирилди. Бунда 232²-модда — “арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш”, 232⁴-модда — “ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни”га қўйилаётган талаблар, 232⁷-модда — ушбу аризага қўриб чиқиш тартиби, 232⁸-модда — ҳал қилув қарорини бекор қилиш асослари ва иқтисодий суд томонидан бекор қилиниши, 232⁹-модда — “ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги иш бўйича ажрим ва унинг устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) акс этган.

Далахон ХУДОЙНАЗАРОВ,
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

2022 ЙИЛ 9 июнь кунини Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида Соғлиқни сақлаш вазирларининг бешинчи Мажлисигибрид форматда ўтказилди. Учрашувда “COVID-19 пандемиясини даврида юқор сифатли тиббий хизматлардан фойдаланишни кенгайтириш бўйича ўзаро саъй-ҳаракатларни бирлаштириш” мавзусидаги муҳим масалалар атрофида муҳокама қилинди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕЛЕТИББИЁТ СОҲАСИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИНМАГАН

бу соғлиқни сақлаш тизимини замонавий ютуқлардан орқада қолишига сабаб бўлмоқда

Репродуктив саломатлик, COVID-19 дан кейин реабилитация қилиш, ШХТ-га аъзо давлатларнинг етакчи тиббиёт марказлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, илғор диагностика усулларини жорий этиш, коронавирус инфекциясининг олдини олиш соҳаларида тажриба алмашиш иштирокчилари

аниқланди. Шунингдек, телетиббиёт технологиялари, анъанавий тиббиёт, фармацевтика ва санитария-эпидемиология хизматлари соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш бўйича келишувга эришилди.

Президентимизнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини” “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида “Ақли тиббиёт” концепцияси ишлаб чиқиши кўзда тутилган эди.

Лойиҳа доирасида мамлакатимизнинг барча тиббиёт муассасаларини қамраб олувчи Ягона телетиббиёт тизимининг (ЯТТ) яқли инфратузими ошариштириш мўлжалланган. Ягона тиббиётнинг таъминлаши, шунингдек, “Ақли тиббиёт” технологияларини жорий этиш кўрсатилган.

Бу инновациялар хизматлар кўрсатиш сифатини янги даражага кўтаришга, алоҳида диагностика ва даволаш-профилактика ёрдамида кўрсатиш сифатини оширишни таъминлашга ёрдам беради.

Ушбу соҳа 2018 йилда мамлакатимизга кириб келган бўлишига қарамай, ҳозирга қадар телетиббиёт соҳаси ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган. Бу эса, миллий соғлиқни сақлаш тизими тиббиёт фани ва амалиётидаги замонавий ютуқлардан орқада қолишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2019-

2025 йилларда Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш тўғрисидаги Концепциясида телетиббиёт соҳаси ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши лозимлиги кўзда тутилган.

Халқаро тажрибага эътибор қаратсак, телетиббиётни амалий жиҳатдан йўлга қўйган биринчи мамлакат Норвегиядир. Бу давлатда анъанавий тиббий ёрдам олиш қийин бўлганлиги сабабли қўллаб-қувватлашга телетиббиёт тизими ривожланган. Иккинчи лойиҳа Францияда фуқаролик ва ҳарбий флот денгизчилари учун амалга оширилган. Ҳозирда кўпгина мамлакатлар ва халқаро ташкилотларда телетиббиёт бўйича қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқилмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тиббиётда илмий ҳужжатлар ва маълумотларнинг электрон алмашувини, телекоммуникация тармоқлари орқали кириш имконияти билан уни тезлаштирилган излаш, видеоконференц-алоқа, ёзишмалардаги муҳокамалар ва учрашувлар, электрон овоз беришни ўз ичига олган тиббиётда глобал телекоммуникация тармоқини яратиш лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Бутунги кунда соғлиқни сақлаш соҳасига оид амалдаги қонунлар, қарорлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини бирлаштириш мақсадида Соғлиқни сақлаш кодекси ишлаб чиқилмоқда. Ушбу кодексга телетиббиётдан фойдаланишни тартибга солишчи моддаларни киритиш мақсадаги мувофиқ деб ўйлайман.

Фарангиз ЮСУПОВА,
Тошкент давлат юридик университети “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари” кафедраси ўқитувчиси

XX АСРНИНГ сўнги чорагида дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатда конституциявий ислохотлар амалга оширилиб, баъзилари янги конституция қабул қилган бўлса-да, айримлари амалдаги конституцияларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритган. Бунда конституциявий ислохотларнинг аксарияти давлат ва жамиятни модернизация қилишга, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтиришга, давлат бошқарувининг сифати ва самарадорлигини оширишга, Конституцияни замон талабларига мослаштиришга қаратилган эди.

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ САРИ ҚАДАМ



“Ижтимоий давлат” тушунчаси ва ғояси илк бор 1850 йилда ҳуқуқшунос ва файласуф Лоренс фон Штейн томонидан қўлланилган. Унга кўра, давлатнинг функциялари қаторига

барча ижтимоий синфлар учун мутлақ иқтисодий ва ижтимоий тенглик ва эркинликни таъминлаши киритилган бўлиши керак. Ҳозирги кунда эса, ижтимоий давлат деганда, давлатнинг ҳар

бир фуқароси муносиб турмуш сифатига эга бўлиши, ушбу давлатдаги моддий бойликлар адолатли тақсимланганлиги тушунилади. Ижтимоий давлатга хос функциялар ҳам ижтимоий ҳимояланмаган ёки эҳтиёжманд қатламни қўллаб-қувватлашга, аҳолининг бандлиги ва даромади доимий ўсишига, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар ва маънавий-маданий ривожланишнинг қўлайлигини таъминлашга хизмат қилади. Ижтимоий давлат модели Буюк Британия, Франция, Испания, Дания, Австрия, Япония, Германия, Португалия, Италия, АҚШ каби давлатларда қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар миллий ва хорижий тажрибага таянган ҳолда 9 та асосий устувор йўналишлардан иборат бўлиб, улардан бири “Ижтимоий давлат” тамойиллини конституциявий норма сифатида мустаҳкамлашга қаратилган. “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган ғояни Асосий қонун билан мустаҳкамлаш таклифи

бир неча марта илгари сурилди. “Инсон қадр”и тушунчаси “Ижтимоий давлат” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Ижтимоий давлат муҳтожларга уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутди. Шахс ва унинг oilаси муносиб ҳаёт кечириши учун етадиган иш ҳақи, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришни талаб этади. Шу билан бирга, кафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар, oilалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам ижтимоий давлатнинг асосий вазифасидир. Шулар қаторида яшаш учун зарур ресурслар — ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси, транспорт ва бошқа қўлайликлар билан таъминлаш, мажбурий меҳнатга таққ қўйиш ҳам ижтимоий давлатда муҳим аҳамият касб этади. Бир сўз билан айтганда, ижтимоий давлатда ҳеч ким эътибордан четда қолмайди, ўз муаммолари билан ёлғиз ташлаб қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий давлат сари дадил бормоқда. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ташкил этилиши, “Мономарказлар” фаолияти йўлга қўйилиши, “Темир

дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” тизимларининг ташкил этилиши, ишлаётган пенсионерларга 100 фоиз пенсия тўланиши, олий таълим муассасалари сони кўпайиб, натижада олий таълим билан қамров даражаси 9 фоиздан 40 фоизгача ошганлиги, мактабга таълим муассасалари, хусусий тиббиёт ташкилотлари сони кўпайгани бунинг ёрқин далилидир.

Конституциявий ислохотлар юртимизда жадаллик билан ўзгариб бораётган ҳаётий муаммоларни ҳал этишга, яъни конституциявий тузум, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларни тубдан ривожлантиришга, янги Ўзбекистонни бунёд этишга, унда эркин ва одил фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилганлиги 2030 йилларга бориб, Ўзбекистоннинг жаҳондаги илғор, ривожланган 50 та давлат қаторига қўшилишига пойдевор яратади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасини ижтимоий давлат деб эътироф этишга асослар мавжуд. Бу масала умумхалқ муҳокамаси натижасида Конституцияда белгиланиши жамият тараққиёти ва истиқбол учун хизмат қилади.

Оқилахон ҚОРАХОДЖАЕВА,
ТДЮУ доценти в.б., ю.ф.н.

БУ ҚИЗИҚ



Ўзи ҳақидаги маълумотни эслатиб турувчи илова


КўПЧИЛИККА маълумки, алцгеймер касаллиги билан оғриган беморларда хотиранинг йўқолиши, узок муддат давомида салоҳиятнинг пасайиши каби ҳолатлар кучайиб боради. 17 ёшли Эмманнинг бувиси алцгеймер касаллиги билан оғриган. Қизалоқ бувиси ва у каби хаста инсонларга ёрдам бериш мақсадида 14 ёшдан бошлаб икки йиллик тинимсиз ҳаракатларидан сўнг “Timeless” иловасини ишлаб чиқди.

Ушбу илова смартфонларга мўлжалланган бўлиб, унинг ёрдамида бемор инсонни расмга олиши ва олдиндан тайёрланган маълумотларни топиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, ушбу программа “инсонни танийди” яъни, алцгеймер касаллиги билан оғриган беморга ўзи ҳақидаги маълумотларни эслатиб туради.

Бундан ташқари, бемор ушбу ихтиро ёрдамида кунлик режаларини ҳам самарали тузиши мумкин. Бу эса уларга қилмоқчи бўлган ишларини эслатиб туриши ёки бўлиб ўтган воқеаларни унутмаслик имконини беради.

Аэропортдаги робот қушлар

Эдмонтон халқаро аэропортида темир лочинлар ўз фаолиятини бошлади. Учаргоҳдаги қушлар галаси доимо самолётларга кўниш пайтида жиддий хавф туғдириб келади. Робот қушнинг яратилишидан асосий мақсад, аэропорт ҳудудидаги ҳақиқий қушларни қувшидан иборат.



Робот қушлар худди лочинларга ўхшайди. Улар қанотларини қоқиб, ҳақиқий қушлардай учибди. Натижада қушлар лочинларни йирткич деб ўйлаб, кўрқибди ва учиб кетишди.

Инновацион айқича

ЮМШОҚ ўйинчоқларни яхши кўрмайдиган бола бўлмаса керак. Бирок, бу каби ўйинчоқлар тезда ўзига чангни ютиб олиш хусусиятига эга. Шу сабабли



кўпчилик болаларда турли хил аллергия касалликларини келтириб чиқариши мумкин. Қаҳрамонимиз Мунирабону ушбу муаммони ҳал қилиш йўлини ўйлаб топди.

Бу турдаги айқичалар ҳали ҳеч қаерда ясалмаган. Янги инновацион лойиҳалари билан турли кўрик-танловларда муносиб ўринларни эгаллаб келаётган Мунирабону жуда кўп тенгдошларига ибрат бўлиб келмоқда.

“Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси” III-Республика танловининг энг ёш иштирокчиси сифатида “Иқтидорли қизнинг истиқболли инновацион ғояси” танлов номинацияси бўйича муносиб тақдирланган.

— Инновацион айқичанинг инсон соғлиғига ноҳўя таъсири йўқ. Энг муҳими, экологик тоза — ўзига чанг тўппламайди ва бу эса чанг ёки юмшоқ ўйинчоқ толалари аллергия ўфотишидан азият чекадиган болалар учун айна муддао! Ўйинчоқни артиб-тозалаб, сўнг ўйнаш мумкин. Айқичаларини ясаш учун пенапластан шакл кесиб олиб, махсус елим ёрдамида уларни бириктириб оламан ва

шундан сўнг мунчоқлар билан безатаман, — дейди Тошкент шаҳар Чилонзор туманида жойлашган 90-сонли умумий ўрта таълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Мунирабону Фофурова.

Серғайрат инноватор Мунирабону ўз ишланмаларини ҳар сафар янада мукамал бўлиши учун изланишдан чарчамайди. Ҳозирда қаҳрамонимиз ўзи ҳаракатланувчи буюмлар ясаш ўстида иш олиб бормоқда.

Мунирахон ўзи яратган ўйинчоқ айқича билан 2019 йил октябрь ойида Индонезияда бўлиб ўтган фестивалда иштирок этиб, фахри ўринни эгаллаган. Ўша йили Москва шаҳрида бўлиб ўтган “Руками женщины” (“Аёлларнинг кўл меҳнати”) кўрик-танловида 2-ўринни, Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида бўлиб ўтган Ехро-2020 кўргазмасида муваффақиятли иштирок этган. Яқинда Шайх Зайд номидаги маданий-тарихий мерос фестивалида юртимиз номидан ўз кўл меҳнатлари билан қатнашди. Қувонарлиси, Мунирабону яратган ўйинчоқ айқичаларни хорижий давлатларга экспорт қилиш ҳам йўлга қўйилди.

Мадина ХАМДАМОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

Toshkent viloyat adliya boshqarmasida 1999-yil 17-noyabrda 214-son bilan davlat ro'yxatidan o'tgan "Святость" to'la Injil masixiyalar cherkovining ustavi yo'qolganligi sababli bekor qilindi.

Инсон ва қонун

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИА ВАЗИРЛИГИ

“Адолат” миллий ҳуқуқий
ахборот маркази нашри
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган



Бош муҳаррир

Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Икромов Музафр Мубаракходжаевич
Тожиёв Фурият Шомуродович
Юлдашева Шоҳидохон Руфатовна
Бахронов Шерзод Холмуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган
кўлемлар тахрир
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи Ёрбек Искандаров

Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Business print” хусусий корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5а-уй

Тиражи — 3400
Буюртма — 169

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-87

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоуси келишилган нархда

1 2 3 4 5

ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ТИЗИМИ — АМАЛДА

МАМЛАКАТИМИЗДА давлат хизматларини кўрсатишда бюрократизм, сансалорлик, ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни қисқартириш мақсадида Давлат хизматлари марказлари ташкил этилиб, қулай, замонавий, тез давлат хизматларини кўрсатиш тизими самарали йўлга қўйилди.

Давлат хизматлари марказлари оқали кўрсатилаётган хизмат турлари тўрт йил давомида 4,5 бараварга ортиб, 37 тадан 175 тага етди, аҳолига 40 миллиондан ортиқ хизмат кўрсатилди.

170 та замонавий Давлат хизматлари марказлари бинолари давлат-хусусий шерикчилик асосида қурилиб, фойдаланишга топширилди. Туман (шаҳар) марказларидан 50-100 километр узоқ ҳудудларда 141 та филиаллар ташкил этилди.



Президентимизнинг 2021 йил 23 мартдаги "Аҳоли ва тadbиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борда бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан 18 турдаги, Президентимизнинг 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6269-сон Фармони билан 16 турдаги маълумотлар ва электрон кўринишдаги хужжатларнинг аҳоли ва тadbиркорлик субъектларидан талаб қилиниши бекор қилинди. Бунда давлат органлари ва ташкилотлари жисмоний шахсларга давлат хизматла-

ДХАда

қулай, замонавий,
тезкор хизматлар



рини кўрсатишда, ишга қабул қилиш жараёнида ва бошқа маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда ушбу ҳужжат ва маълумотларни "Электрон ҳукумат" тизими идоралараро интеграциялашув платформасидан фойдаланган ҳолда олишлари белгиланди.

ОНЛАЙН ТИЗИМНИНГ АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

Адлия вазирлиги томонидан Президентимизнинг 2020 йил 24 августдаги Фармони асосан "Лицензия" ахборот тизими ишлаб чиқирилиб, license.gov.uz манзилига жойлаштирилди. "Лицензия" ахборот тизимида 26 та хабардор қилиш, 27 та лицензия ва 13 та рухсатнома учун аризаларни онлайн юбориш имконияти яратилди. Бошқа рухсатнома ва лицензияларни олиш учун аризаларни онлайн юбориш имконияти босқичма-босқич жорий этиб берилмоқда. Ҳозирда ушбу тизим оқали 36 мингдан ортиқ лицензия, рухсатнома ва хабардор қилиш кўринишдаги мурожаатлар юборилган.

"Лицензия" ахборот тизимининг Android ва iOS қурилмалари учун ишлаб чиқилган мобил иловаси оқали хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилган бўлиб, мобил иловалар Google Play ва Application Store электрон мобил қурилмалар юклаб олиш платформаларига жойлаштирилди.

Тошкент шаҳрининг барча туманларида ва вилоят мар-

казларида жойлашган давлат хизматлари марказларида янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига алмаштириш жараёни давом этмоқда. Жорий йилда давлат хизматлари марказлари оқали 225 мингдан зиёд ҳайдовчилик гувоҳномалари алмаштириб берилди.



Давлат хизматлари марказлари оқали хоризгга чиқиш биометрик паспортларини ҳам расмийлаштириш йўлга қўйилган бўлиб, жорий йилда 39 мингдан зиёд хоризгга чиқиш биометрик паспортлар расмийлаштириб берилди.

Шу билан бирга, йил бошидан буён Давлат хизматлари марказлари томонидан жисмоний шахсларга 7 минг 900 дан зиёд идентификацияловчи ID-карталар расмийлаштирилиб берилди.

ФХДЭ органларида далолатнома ёзувларини қўлда тўлдириш услубидан воз кечган ҳолда гербли гувоҳномаларни махсус принтерда тўлиқ электрон кўринишда чоп этиш амалиёти жорий қилинди.

"ФХДЭнинг ягона электрон архиви" ахборот тизимида тўловларни ундиришда шаф-фоллини таъминлаш мақсадида ҳар битта фуқаролик ҳаракатида ундирилиши лозим

бўлган тўлов квитанцияси далолатнома ёзувининг ўзида яратилиб, фуқарога тақдим этиш имкони йўлга қўйилди. Натижада фуқаролардан ортиқча тўлов ундириш имконияти чекланди.

ФХДЭ органларида қоғоз шаклида сақланаётган 56 миллиондан зиёд фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувлари мета-маълумотлар форматига рақамли кўринишга ўтказилди.

ЭЛЕКТРОН ИМКОНияТЛАР: ID КАРТАСИ ОҚАЛИ ҚУЛАЙЛИК

Давлат хизматлари марказларининг барчаси NFC (Near field communication) илҳам қурилмалари билан таъминланиб, фуқаро ID картасини NFC қурилмасига теккизиши оқали аризанинг шахсга доир маълумотлари автомат тарзда тўлдирилиши йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, барча давлат хизматлари марказларида давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида фуқаронинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаш тартибининг ўрнига қулай ва замонавий электрон планшетлар оқали рақамли имзо қўйиш имкониятлари яратилган.

Барча давлат хизматлари марказларида бармоқ изи сканерлари ўрнатилиб, электрон рақамли имзони тақдим қилиш хизматида фуқаронинг биометрик маълумотлари олинмоқда.

Кўрсатилган давлат хизматлари учун олинадиган давлат божи ва йигимларни республи-

ликада фаолият кўрсатаётган тўлов иловалари (Click, Payme, Uray, Paynet, Uzcard, Oson, Websum ва барча банк мобил тўлов иловалари) оқали тўлаш тизими жорий этилди.

Адлия вазирлигида ISO/IEC 27001:2013 халқаро стандарти талабларига мувофиқ ахборот хавфсизлигини бошқариш тизими жорий этилмоқда. Натижада давлат хизматларини кўрсатувчи ахборот тизимларининг таҳдидлари ва заифликларини аниқланиб, бартараф этилади ҳамда хавфсиз бошқариш таъминланади.



Аҳоли билан қайта алоқанинг самарали тизимини ташкил этиш мақсадида вазирликнинг 1148 рақамли "ишонч телефони" оқали аҳолига давлат хизматларидан фойдаланиш бўйича зарур маслаҳатлар берилиб, фикр-мулоҳазалари ўрганилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 декабрдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига тузилган расмий хужжатларга электрон тарзда апостиль қўйиш учун "E-App" (Electronic Apostille Program) ва "E-register" дастурлари ишлаб чиқилиб, масъул давлат идоралари билан синов ўтказилмоқда.

Давлат хизматлари марказлари оқали аҳолига қулай, замонавий, тезкор давлат хизматларини кўрсатишда инновацион технологияларни кенг жорий қилиш узлуксиз тарзда давом эттирилади.

Камол АЛМУРАДОВ,
Адлия вазирлиги масъул
ходими

Ютуқлар УЛУҒВОР МАҚСАДЛАРГА БОҒЛИҚ

КОНЧИЛИК соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томири ҳисобланади. Навоийдаги кон-металлургия тизимидаги корхоналар республикамизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётганлиги барчага аён.

"Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси" давлат муассасаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 мартдаги "Навоийур" давлат корхонаси, "Навоий кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти ва "Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси" давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори асосида 2021 йилнинг 29 апрелида ташкил топди.

Кончилик соҳасидаги ютуқлар энг аввало кадрлар салоҳиятига боғлиқ, "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонаси ўқув марказида "Жамғарма"нинг 200 нафардан ортиқ ходими қайта тайёрланди ва малакаси оширилди.

Амалдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, товар-моддий бойлиқлар ва хизматлар хариди ошкоралик тамойили

асосида кооперацион биржа савдоларининг cooperation, e-xarid, e-shop электрон порталларидан рўйхатдан ўтиб, тегишли шартномалар расмийлаштирилган ҳолда, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етказиб берилмоқда. Ушбу харид жараёнини назорат қилиш мақсадида мувофиқлик тизими — комплеанс хизмати жорий этилган. Бундан ташқари, "Жамғарма" бошқарувида самарали амалиётларни татбиқ этиш мақсадида "Одоб-ахлоқ кодекси" ва "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги низомлар ишлаб чиқилган.

Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ишчи-ходимларни турар жой билан таъминлаш, дам олиш ва саломатликларини тиклаш мақсадида "Комбинат" ва "Жамғарма" ўртасида 2021 йилнинг 1 июнида "хайрия" шартномаси расмийлаштирилиб, "Жамғар-

ма" фаолиятини узлуксиз таъминлаш учун маблағлар молиялаштирилиб берилмоқда.

Шунингдек, "НКМК" ва "Жамғарма" ўртасида тўғридан-тўғри тартибда ўзаро ҳамкорлик шартномалари, шу жумладан:

- умумий оқатлантириш хизматларини кўрсатиш;
- махсус кийим ва тикув-трикотаж маҳсулотларини етказиб бериш;
- полиграфия маҳсулотларини етказиб бериш ва бошқа тегишли шартномалар расмийлаштирилган.

"Жамғарма"да ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тиббиёт соҳаси автоматлаштирилиб, тиббиёт ходимлари асосий вақтини беморлар билан ўтказишига эришиш мақсадида Навоий ва Зарафшон шаҳридаги тиббиёт муассасаларида беморларнинг касаллик тарихини онлайн кўриш тизими ишга туширилди. Шунингдек, тиббий санитария бўлимига қарашли поликлиника замонавий жиҳозлар билан таъминланиб, Зарафшондаги тиббиёт қисмига МРТ ускунаси ўрнатилди.

"Жамғарма" томонидан харажатларни қисқартириш, кўрсатиладиган хизматлар ва етиштириладиган маҳсулотлар сифатини ошириш ҳамда таннархини пасайтириш ва НКМКдан ташқарида

ҳам хизмат кўрсатишни кўлайитириш мақсадида бир қанча тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан берилган имкониятлардан фойдаланиб, инновацион технологияларни жорий этишга қаратилган дастур асосида "Дўстлик" агрофирмасида томчилатиб сугориш тизимини йўлга қўйиш эвазига 600 миллион сўмдан ортиқ маблағ иқтисод қилинди.

Жамғарманинг молиявий мустақиллигини таъминлаш мақсадида сотиш гуруҳи ташкил этилиб, четга хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқарилган ва етиштирилган маҳсулотларни сотиш эвазига даромад олиш тизими йўлга қўйилмоқда. Жумладан, тиббий хизматлар кўрсатиш, умумий оқатланиш ошхоналарига пуллик хизматлар, ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда қайта ишланиб, консервланган маҳсулотларни реализация қилиш, махсус кийим-кечак ва трикотаж маҳсулотларини сотиш ва бошқа тadbирларни амалга ошириш оқали даромад олинмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, "Жамғарма" жамоаси улғувор мақсадларни қўзлаб, кончилик тизимида меҳнат қилаётган катта қарвонга хизмат қилмоқда.

Сухроб АЛТИНОВ,
"Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси" давлат муассасаси бош директорининг ўринбосари